

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМАРЕЖАБОВ ДИЛМУРОД БАХТИЯРОВИЧ**

**ҚИЙИН БОЙИТИЛУВЧИ ОЛТИНЛИ РУДАЛАРНИ БОЙИТИШ ВА  
ГИДРОМЕТАЛЛУРГИК УСУЛЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАБ  
ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Махмарежабов Дилмурод Бахтиярович**

Қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш ва гидрометаллургик  
усулларни биргаликда қўллаб қайта ишлаш технологиясини ишлаб  
чиқиш.....3

**Махмарежабов Дилмурод Бахтиярович**

Разработка технологии переработки упорных золотосодержащих руд  
совместным применением методов обогащения и гидрометаллургии.....21

**Makhmarezhabov Dilmurod Bakhtiyarovich**

Processing of technology persistent gold-bearing ores by methods enrichment  
and hydrometallurgy.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХМАРЕЖАБОВ ДИЛМУРОД БАХТИЯРОВИЧ**

**ҚИЙИН БОЙИТИЛУВЧИ ОЛТИНЛИ РУДАЛАРНИ БОЙИТИШ ВА  
ГИДРОМЕТАЛЛУРГИК УСУЛЛАРНИ БИРГАЛИКДА ҚЎЛЛАБ  
ҚАЙТА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1761 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.ndki.uz](http://www.ndki.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Худояров Сулейман Рашидович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Мухиддинов Баходир Фахриддинович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Тошқодирова Рано Эркинжоновна**  
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:** **«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ**


Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.T.06.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 12 январ соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz)).


Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (81 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй, Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.


Диссертация автореферати 2021 йил 30 декабр куни тарқатилди.

(2021 йил 30 декабрдаги 3 рақамли реестр баённомаси)



  
**Қ.С.Санакулов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

  
**О.У.Фузайлов**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари  
бўйича фалсафа доктори (PhD)

  
**Н.А.Донияров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги давлатлар орасида қимматбаҳо метал ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон етакчи давлатлардан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан бирга бой ва осон бойитилувчи олтинли рудаларнинг захиралари камайиши ишлаб чиқариш учун бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни жалб қилинишига имкон беради. Ҳозирги кунда қимматбаҳо метал сақловчи рудаларнинг қидириб топилган захираларидан олинган руда таркибида олтин миқдорининг анча камлиги, майин хол холлиги, олтин зарраларининг структуравий нотекис тақсимланганлиги, бойитишда ишлатиладиган реагентларнинг чет давлатларидан сотиб олиниши, уларни бойитишда руда таркибида маргимуш ва сурманинг мавжудлиги олинадиган бойитма сифатини пасайтиради ва таннархини ошириши алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда олтинли рудаларни бойитиш ва металлургик қайта ишлашнинг технологик схемаларини такомиллаштириш, янги камхарж технологик ва техник ечимларни ишлаб чиқиш йўли билан бойитиш ва металлургик қайта ишлаш самарадорлигини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада қийин бойитилувчи олтинли рудаларни қайта ишлаш самарадорлигини ошириш масалаларини ҳал этишда катта муваффақиятларга эришилганига қарамай, реагентларни фаоллаштириш ҳамда маҳаллий саноат корхоналаридан олинадиган реагентларни қўллаб, бойитиш ва гидрометаллургик усуллари бир технологик схемада бирлаштирувчи комплекс технологияларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда мавжуд конларнинг рудаларини бойитишда анъанавий ва янги маҳаллий реагентларни қўллаб бойитиш схемаларини ишлаб чиқиш бўйича қўплаб илмий-амалий натижаларга эришилган, аммо бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни бойитиш ва қайта ишлашнинг турли усуллари ишлаб чиқиш, бойитиш фабрикаларида бойитиш самарадорлигини ошириш йўллари излаб топиш, бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни анъанавий реагентлар ёрдамида қайта ишлаш технологиялари бўйича инновацион технологияларни жорий этиш бўйича илғор илмий чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида<sup>1</sup> «ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, принципал жиҳатдан янги технология турларини ўзлаштириш, энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни қайта ишлашнинг маҳаллий саноат чиқиндиларидан синтез қилинган реагентлар қўлланиши мумкин бўлган технологик схемаларни ишлаб чиқиш ва қимматбаҳо металл сақловчи

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида Фармони.

рудаларини қайта ишлашга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» нинг устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунё амалиётида бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни бойитишда технологик схемаларни яратиш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг бир қатор олимлари, жумладан Зеленов В.И., Масленицкий И.Н., Чугаев Л.В., Агеенков В.Г., Ласкорин Б.Н., Чантурия В.А., Седельникова Г.В., Бергер Г.С., Шадрунова И.В., Матвеева Т.Н., Черняк А.С., Скобеев И.К., Лодейщиков В.В., Войлошников Г.И., Воробьев А.Е., Breed F.W., Tomkins A.G., Исабаев С.М., Митрофанов С.И., Мязин В.П. ҳамда Республикамиздаги бир қатор олимлар Санақулов Қ.С., Абдурахмонов С.А., Ахмедов Х., Ҳасанов А.С., Хабиров В.В., Эргашев У.А. ва бошқаларнинг ушбу соҳада олиб борган ишларида кўриб чиқилган. Бу тадқиқот ишларида қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитишда ишлатиладиган анъанавий реагент (асосан тўпловчи) ўрнини босувчи маҳаллий реагентлар билан алмаштириш, фаоллаштиришнинг муқобил усуллари ҳамда бойитиш ва металлургик усулларини бир технологик схемада бирлаштириш технологияларини такомиллаштириш имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси конларидаги мавжуд, қийин бойитилувчи олтинли рудаларнинг моддий таркибида маргимуш, сурма ва бошқа зарарли элементлар, сульфидли минералларининг мавжудлиги билан бир-биридан фарқ қилади.

Осон цианланувчи оксидли олтин конларининг борган сари камайиб бораётгани туфайли сульфидли ва камбағал олтинли рудаларни бойитиш ва қайта ишлашга жалб қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун ечими тадқиқ қилинаётган муаммо бўлиб бормоқда. Рудаларни бойитишни ва гидрометаллургик жараёнларни биргаликда қўлловчи технологияни ишлаб

чиқишни чуқурроқ комплекс таҳлил ўтказиш бўйича имкониятлар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур ишда валюта ҳисобига импорт қилинадиган флотацион реагентлар сарфини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг саноат чиқиндиларидан синтез қилиб олинган реагентларга алмаштириш, сарфланадиган харажатларни қисқартиришга ҳамда қимматбаҳо метал ишлаб чиқариш тан нархини арзонлаштиришга имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №7/15 «Ўзбекистон Республикасининг қидириб топилаётган конлар рудаларини бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш» ва №8/15 «Қизилқум қийин бойитилувчи рудаларини маҳаллий реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг рационал технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитишда бойитиш ва гидрометаллургик усулларни бир технологик схемада бирлаштириб қўллаш технологияларини ишлаб чиқиш, бойитиш жараёнида ишлатиладиган анъанавий реагентларни фаоллигини ошириш ва миқдорини қисман маҳаллий саноат корхоналаридан олинадиган реагентларга алмаштиришдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

қийин бойитилувчи олтинли рудаларнинг хусусиятлари ва моддий таркибининг ўрганиш ҳамда бойитишнинг технологик схемаларини таҳлил қилиш;

намуналарнинг технологик таснифини ўрганиш орқали қийин бойитилувчи олтинли рудаларнинг бойитилувчанлигини ўрганиш йўли билан тадқиқотлар методикасини ишлаб чиқиш;

қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш жараёнида олинган гравитацион ва флотацион бойитмаларни ҳамда бойитиш чиқиндиларини цианлаш ва сорбциялаш усулида қайта ишлаш;

қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш усулларини қўллаб, амалдаги реагент (тўпловчи) ўрнини босувчи реагентларни қўллаб бойитишнинг технологик схемаларини солиштириш ва уларни такомиллаштириш;

тадқиқот натижалари асосида бойитиш ва гидрометаллургик усулларини биргаликда қўллаган ҳолдаги техник-иқтисодий самара берадиган кўрсаткичларни аниқлаш ва қийин бойитилувчи олтинли рудаларни қайта ишлашнинг самарали технологик схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида қийин бойитилувчи сульфидли олтин рудалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** – қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитишда ишлатиладиган анъанавий реагентлар фаоллигини ошириш ва миқдорини қисман камайтириш учун унинг ўрнини босувчи

Республикамиздаги саноат корхоналари чиқиндиларидан олинадиган маҳаллий реагентларни аниқлаш ва бойитиш усулларини биргаликда қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқишни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни қайта ишлаш амалиётини умумлаштирувчи замонавий назарий ва экспериментал, статик ва аналитик усулларни қўллаб, назарий ўрганишлар, лаборатория тадқиқотлари, ярим саноат миқёсида тажрибалар ўтказиш, ишлаб чиқилган услубларни саноат корхоналаридаги ишлаб-чиқариш жараёнида текшириб кўриш, таҳлилларнинг спектрал, кимёвий, рационал, гранулометрик, минералогик, фазавий ва бошқа усулларида олинган натижаларни солиштириш ва аналитик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

«Навоийазот» АЖ корхонаси чиқиндисининг моддий таркиби ҳамда ундан олинган акрил кислотаси ва полиакриламиднинг сувда эрувчи сополимери СД-1 реагентини бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни флотация усулида бойитишда маҳаллий реагент сифатида қўллаш мумкинлиги аниқланган;

қийин бойитилувчи олтинли рудаларни дастлаб гравитация усулида бойитилиб, сўнгра гравитация чиқиндиларини флотация усулида бойитиш натижасида олтин ва кумушнинг ажралиши бўйича юқори кўрсаткичларга эришилган, шунингдек тўпловчи реагент сарфининг қисман қисқариши аниқланган;

ксантогенатнинг ( $\text{ROCS}_2\text{Me}$ ) қисман диксантогенатга ( $(\text{ROCSS})_2$ ) ўтиши ва натижада бойитилиши қийин бўлган олтинли рудаларни бойитишда бойитилувчанлик самарадорлигининг ортиши исботланган;

флотация жараёнида янги маҳаллий тўпловчи реагент СД-1 ни анъанавий реагент БКК билан биргаликда қўллаш натижасида БККнинг сарфини 50% га қисқариши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қўйидагилардан иборат:

«Ауминзо-Амантой» конларидан олинган руда намуналарининг минералогик таркиби ва технологик хоссалари (физикавий ва кимёвий хоссалари, гранулометрик таркиби) аниқланган;

«Ауминзо-Амантой» конларидан олинган технологик намуналар учун бойитиш усуллари танланди ва рудаларни бойитувчанлигини ўрганиш услуги ишлаб чиқилган;

қийин бойитилувчи олтинли рудаларни дастлабки гравитация усулида бойитиш натижасида ажралган гравиочиқиндини флотациялаш, олинган флотобойитмани куйдиргандан сўнг цианли эритмада эритиш ва эритмадан олтин цианли бирикмани ион алмашинувчи смолада сорбциялаш услублари ишлаб чиқилган;

«Ауминзо-Амантой» конлари қийин бойитилувчи олтинли рудаларини комплекс қайта ишлашнинг самарали технологик схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** аниқ қўйилган вазифа асосида олинган, тадқиқот натижалари лаборатория ва яримсаноат миқёсида



ўтказилган тадқиқотларнинг ҳажми, қийин бойитилувчи олтинли рудаларни маҳаллий саноат корхоналари чиқиндиларини синтез қилинган реагентларини тўғридан-тўғри ёки электрохимёвий фаоллаштирган ҳолда қўллаб, бойитиш ва металлургик усулларни биргаликда қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемасини таққослаш орқали керакли натижалар олинган ва исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Ауминзо-Амантой» конлари қийин бойитилувчи олтинли рудаларининг моддий таркибини ўрганиш ва уларни маҳаллий саноат корхоналари чиқиндиларидан синтез қилинган янги реагентларни қўллаб қайта ишлашнинг технологик схемасини илмий асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти руда технологик намунасининг моддий таркибини турли усуллар билан батафсил ўрганиш, олтин ва кумушга таҳлиллар ўтказиш ҳамда саноат корхоналари чиқиндиларидан олинган реагентлардан фойдаланиб, уларни электрохимёвий фаоллаштирган ҳолда, қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитишнинг усулларини биргаликда қўллаб қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш ва гидрометаллургик усулларни қўллаб қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анъанавий реагент БКК электрохимёвий усулда фаоллаштирилиб, «Ауминзо-Амантой» конининг Шимолий ва Марказий участкалари руда намуналарининг аралашмасини флотация усули «Минерал ресурслар институти» давлат муассасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 14-25-сон маълумотномаси). Натижада, олтиннинг флотобойитмага ажралиш кўрсаткичи анъанавий реагентлардан фойдаланилганда олинган кўрсаткичдан  $0,7 \div 2,8\%$  гача ошиш имконини берган;

ишлаб чиқилган технологик схема бўйича «Ауминзо-Амантой» конининг Шимолий ва Марказий участкалари руда намуналарининг аралашмасини гравитация усулида бойитиш «Минерал ресурслар институти» давлат муассасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 14-25-сон маълумотномаси). Натижада, гравитация усулини қўллаш, олтин ва кумушнинг гравобойитмага ажралишини  $80,09\%$  ва  $67,50\%$  га етказишга имкони берган.

тавсия қилинган технология бўйича «Ауминзо-Амантой» конининг Шимолий ва Марказий участкалари руда намуналарининг аралашмасини гравитация ёрдамида бойитиш чиқиндиларини флотация орқали бойитишда анъанавий реагент БКК эритмасини электрохимёвий фаоллаштириш усули «Минерал ресурслар институти» давлат муассасида амалиётга жорий этилган

(Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитасининг 2021 йил 29 апрелдаги 14-25-сон маълумотномаси). Натижада, электрохимий фаоллаштирилган реагентни қўллаш олтин ва кумушнинг бойитмаларга умумий ажралишини тегишли равишда 91,8-94,2% ва 81,3-85,92% га эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқотнинг натижалари 3 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий ишлар, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Қийин бойитилувчи олтинли рудаларни қайта ишлашнинг замонавий технологияларининг таҳлили ва такомиллаштириш имкониятлари**» деб номланган биринчи бобда қийин бойитилувчи олтинли рудаларнинг классификацион таҳлиллар натижасида рудаларнинг моддий таркибини ўрганиш ва улардан қимматбаҳо компонентларни ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқишда қийинчиликлар туғдириши аниқланган, ҳамда қийин бойитилувчи олтинли рудаларни қайта ишлашнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинганда қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш ва гидрометаллургик усуллари биргаликда қўллаш имкониятлари ўрганилган.

Амалга оширилган ва чоп этилган илмий ишлар шуни кўрсатадики, баъзи фабрикаларда олтинни ажратиш жараёни флотация технологиялари билан чегараланган. Қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш жараёнида фақат флотация усулини қўллашда ишлатиладиган реагентлар сарфининг ортиши ва рудадан олтиннинг ажралиши пастлиги каби камчиликлар аниқланган.

Жаҳоннинг турли-туман бойитиш фабрикаларида олтинли рудаларни флотациялашда тўпловчи реагентларни биргаликда қўллаш амалиёти якка тартибда ишлатиладиган тўпловчи реагентларга нисбатан руда хусусиятларининг хилма-хиллиги боис, олтиннинг ажралишининг ортиш имкониятлари мавжудлиги ўрганилган.

Республикамиздаги бойитиш фабрикаларида асосан тўпловчи реагентлар сифатида калийнинг бутил ксантогенати (БКК) қўлланиши ўрганилиб чиқиш натижаларига кўра асосан тўпловчи реагентларни флотациялаш амалиётларида уларнинг таъсирлашиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаслиги аниқланди. Шунинг учун флотациялаш амалиётида тўпловчи реагентларни биргаликда қўллаш мумкин бўлган реагентларни излаш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланади.

Диссертациянинг «**Қийин бойитилувчи олтинли рудаларининг хусусиятлари ва уларнинг моддий таркибини ўрганиш**» деб номланган иккинчи бобида руданинг моддий таркибини ўрганиш учун намуналар ажратилган, ҳамда қуйидаги таҳлиллар ўтказилган: спектрал, кимёвий, рационал ва минералогик. Кимёвий таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра руда таркибидаги қимматбаҳо компонент олтин ва кумуш ҳисобланиб, уларнинг миқдори тегишли равишда 6,7 ва 3,04 г/т ни ташкил этади. Олиб борилган таҳлиллар асосида олтинли руданинг асосий боғловчиси пирит ва арсенопирит ҳисобланади. Пирит ва арсенопиритнинг ўртача намунадаги миқдори ~17,8 ва ~0,5% ни ташкил этган.

1-жадвал

Руда ўртача намунасининг кимёвий таҳлили натижалари

Компонентлар	Миқдори, %	Компонентлар	Миқдори, %
SiO <sub>2</sub>	43,0	S <sub>сульфид</sub>	9,53
Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	13,0	SO <sub>3</sub>	1,07
FeO	1,98	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	0,16
TiO <sub>2</sub>	0,71	CO <sub>2</sub>	3,52
MnO	0,04	-H <sub>2</sub> O	0,72
Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	13,21	п.п.п.	10,37
CaO	2,32	Au, г/т	6,7
MgO	2,43	Ag, г/т	3,04
Na <sub>2</sub> O	0,44	Pt, г/т	0,065
K <sub>2</sub> O	2,89	Pd, г/т	0,12
S <sub>умумий</sub>	9,99	As	0,21


Пирит кўпинча катаклазирланган. Катаклаз жараёнининг пайдо бўлиши минералда олтин зарраларининг тақсимланишида катта аҳамиятга эга. Олтин зарраларининг микронли ўлчами ва уларни пирит ва арсенопирит билан

боғланганлиги олтинни алоҳида бойитмага ажралишига тўсқинлик қилиши аниқланган.

Намунадаги асосий норуда минераллар кварц, серицит, дала шпати, карбонатлар, хлоридлар ва каолинит ҳисобланади.

Диссертациянинг «Қийин бойитилувчи олтинли рудаларнинг бойитилувчанлигини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида «Ауминзо-Амантой» кони Шимолий ва Марказий участкаларининг қийин бойитилувчи олтинли рудасини гравитация ва флотация усулларида бойитиш ҳамда флотация усулида бойитишда ишлатиладиган тўпловчи реагентларни электрокимёвий фаоллаштириш методикаси ишлаб чиқишга бағишланган, шунингдек анъанавий реагент БКК ҳамда ўрганилаётган СД-1 реагенти иштирокида уларни биргаликда қўллаш орқали флотация тажрибалари ўтказилган.

Рудани гравитация усулида бойитиш олтин зарраларини ва сульфидлар билан боғланган олтинни рудадан бойитмага ажратиш учун ўтказилган. Шу мақсадда чўктириш машиналари ва концентрацион столлардан фойдаланилган. Тажрибалар 1-расмда келтирилган схема бўйича олиб борилган.




**1-расм. Руда намунасини гравитацион бойитишнинг технологик схемаси**

Чўктириш руданинг 3-0 мм йириклигида чўктириш машиналарида ўтказилган. Чўктиришнинг оғир фракцияси керакли йирикликкача қайта янчилган. Тажрибаларда маҳсулотнинг йириклиги олтиннинг максимал ажралиши ва унинг бойитмадаги миқдорини сақлаш мақсадида 1-0,1 мм оралиғида ушлаб турилган. Тажрибаларни олиб боришда 5 кг рудадан фойдаланилган.

Чўктириш машинасининг ишлаш тартиби: пўлат шардан иборат ўриндикнинг қалинлиги 3-4 мм дан 30 мм гача, тебранишлар амплитудаси – 5,5 мм, тебранишлар частотаси – 500 марта/мин, сув босимининг сарфи – 5 л/мин, дастлабки маҳсулот билан кирадиган сув сарфи – 3 л/мин ва панжара тешикларининг ўлчами – 2 мм.

Юувчи сувнинг сарфи маҳсулотнинг йириклиги ва юзанинг қиялик бурчагига боғлиқ ҳолда бир нечта тажрибалар ўтказиб белгиланган.

Концентрацион столнинг ишлаш тартиби: тебранишлар частотаси – 107 ай/мин; стол юзасининг қиялик бурчаги – 20 мм/м; ювувчи сувнинг сарфи – 4,65 л/мин ва столга келиб тушадиган бўтананинг зичлиги 20-25%.



2-расм. Турли ўлчамлардаги рудани концентрацион столда бойитиш

Концентрацион столда -0,15+0 мм ўлчамли рудани бойитишда олинган натижалар 2- расм ва 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


«Ауминзо-Амантой» конлари олтинли руда намунасини концентрацион столда бойитиш натижалари

Бойитиш маҳсулотлари	Чиқиш, %	Микдори, г/т		Ажралиши, %		Йириклиги, мм
		Au	Ag	Au	Ag	
Гравибойитма	6,28	90,63	36,36	83,09	64,5	-0,15+0
Оралик маҳсулот	15	2,25	1,40	4,92	5,94	
Гравиочиқинди	78,72	1,04	1,33	11,99	29,56	
Руда	100	6,85	3,54	100	100	

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, «Ауминзо-Амантой» конлари олтинли руда намунасини гравитация усулида бойитишда олтиннинг каттагина микдори гравибойитмага ажралиши аниқланди. Бунда олтиннинг гравибойитмага ажралиши 83,09% ни кумушниги 64,5% ни ташкил этди. Бойитмадаги олтиннинг микдори 90,63 г/т.

Рудани ва уни гравитация усулида бойитиш жараёнларида ҳосил бўладиган чиқиндиларни янги маҳаллий реагентлар билан флотациялаш тажрибаларини ўтказиш жараёни қўйидаги тартиб бўйича, яъни янчиш йириклиги 80-85% -0,074 мм ҳамда фаоллаштирувчи ва муҳит соловчиларининг ўртача сарфида олиб борилди. Асосий эътибор тўпловчи реагентлар сифатида қўлланилиши мўлжалланаётган янги маҳаллий реагент – СД-1 ва анъанавий реагент калийнинг бутил ксантогенати (БКК) га қаратилди. Кўпик ҳосил қилувчи сифатида асосан республикамиз бойитиш фабрикаларида қўлланилувчи Т-80 (оксаль) ишлатилди. Ундан ташқари

Минерал ресурслар илмий текшириш институти ДК да синтез қилинган реагентларни биргаликда қўллаб, флотация жараёнида синаб кўрилди (3-расм).



**3-расм. Рудани флотациялаш жараёнида тўпловчи реагентларни биргаликдаги сарфининг нисбат гистограммаси**

Олиб борилган тажрибалар асосида руданинг ҳар қайси намунаси учун флотациянинг оптимал тартиби ишлаб чиқилди ва улар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал


**Олтинли руда намуналарининг анъанавий ва маҳаллий реагентлар иштирокидаги флотациялаш тажрибалари натижалари**

Маҳсулотлар номи	Чиқиш, %	Микдори, г/т		Ажралиши, %		Реагентлар сарфи, асосий ва назорат флотацияга, г/т
		Au	Ag	Au	Ag	
Бойитма 1	10,19	6,26	2,07	9,66	7,82	Сода-1000+500+250
Бойитма 2	20,30	26,96	8,93	82,93	67,17	Урчуқ мойи -40
Оралиқ маҳ-т 1	2,77	5,22	2,18	2,19	2,23	CuSO <sub>4</sub> -300+100+50
Оралиқ маҳ-т 2	3,86	2,36	0,98	1,38	1,41	БКК-75+50+20
Чиқинди	62,88	0,40	0,92	3,84	21,36	СД-1 – 5+2+1
Руда	100	6,60	2,70	100	100	T-80 - 20+80+40+20

Ўрганилаётган кон рудасининг гравитация чиқиндиларини флотациялашда худди дастлабки рудани флотациялашдаги каби реагентлар сарфи самарали эканлиги аниқланди.

Флотация жараёнини бойитиш корхоналарида кенг қўламда ишлатишни, қиммат турувчи реагентлар сарфини қисқартириш, уларни нисбатан арзон маҳаллий реагентларга алмаштириш, қўлланилаётган реагентларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида реагентларга электрокимёвий ишлов

бериш борасида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар ўтказиш учун электрохимёвий ячейка, магнитли аралаштиргич ва электр токини бошқариш манбаидан иборат махсус мослама яратилди (4-расм).



- 1-шиша кристаллизатор; 2-магнитли аралаштиргич; 3-ишчи электрод;  
 4-қопқоқ; 5-чекловчи стакан; 6-ёрдамчи электрод; 7-фильтрловчи қоғоз;  
 8-қисқичли ҳалқа; 9-лаборатория автотрансформатори;  
 10-пасайтирувчи трансформатор; 11-миллиамперметр;  
 12-диодлар; 13-қаршилик; 14-вольтметр.


**4-расм. Реагентлар эритмасига электрохимёвий ишлов бериш мосламасининг принципиал схемаси**

Электрохимёвий ячейка 500 мл ли шиша кристаллизатордан иборат бўлиб, кристаллизаторнинг ички периметри бўйлаб қалинлиги 0,5-0,8 мм ли зангламайдиган пўлат листдан тайёрланган цилиндрик ишчи электрод ётқизилган. Кристаллизатор юқоридан думалоқ ойнасимон қопқоқ билан ёпилиб, унинг марказига пастки қисми очиқ ойнасимон чекловчи стакан ўрнатилган. Бу стаканнинг пастки қисмига фильтрловчи қоғоздан доира қўйилиб, қисқич билан қисиб қўйилади. Чекловчи стакан ичига 0,5-0,8 мм ли зангламайдиган пўлат листдан тайёрланган ёрдамчи электрод ўрнатилади. Ўрганилаётган реагент эритмаси ячейкага шундай тартибда қўйиладики, кристаллизатордаги сатҳ чекловчи стакандагидан бирмунча юқорироқ ўрнатилган. Сатҳлардаги фарқ реагент эритмаларининг электр оксидлаш маҳсулотлари электр қайтарилиш маҳсулотлари билан таъсирлашмаслиги

учун яратилди. Бутун эскперимент давомида кристаллизатордан чекловчи стаканга эритманинг секин куйилиши содир бўлади.

Магнитли аралаштиргич электрохимёвий ишлов бериш давомида эритмаларни бир текис берилишини таъминлаш ва асосий электрод юзасида реакция маҳсулотларини ўрнашиб қолишининг олдини олиш учун қўлланилди.

Электр токи таъсирида электрод юзасида аполяр органик моддаларнинг майин дисперсланиши содир бўлади. Бунга типик мисол тариқасида ксантогенат эритмаларининг электрохимёвий оксидланиши натижасида анодда аполяр диксантогенид ҳосил бўлиши ҳисобланади:



Дастлабки ксантогенат эритмасининг концентрацияси ва электродларга берилаётган кучланиш миқдорининг ортиши билан диксантогениднинг чиқиши ортиши аниқланган. Ксантогенат эритмасининг электр оксидланиш вақти диксантогениднинг чиқишига катта таъсир этади.

«Ауминзо-Амантой» конлари рудасини флотациялашда эса БКК реагентининг аралашмасига 20 минут давомида ишлов берилган. Флотация тажрибалари очик циклда олиб борилган ҳамда олинган маълумотларга кўра тўпловчи реагент БКК эритмасини электрохимёвий ишлов бериб ҳамда СД-1 реагенти билан биргаликда қўллаш ўрганилаётган рудалардан олтин ажралишининг ортишига имкон берган. «Ауминзо-Амантой» конлари рудасидан олтиннинг бойитмага ажралиши очик циклда 82,79 дан 85,72% гача ортган. Гравитация чиқиндиларида эса бу сонлар тегишли равишда 81,8 дан 82,5% ни ташкил этган.

Олинган маълумотларга кўра ксантогенат эритмаларини электрохимёвий ишлов бериб қўллаш истиқболли деб ҳисобласа бўлади.

Диссертациянинг «**Қийин бойитилувчи олтинли рудалари ва уларни бойитиш маҳсулотларини гидрометаллургик қайта ишлаш имкониятларини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида руда ва бойитиш маҳсулотларини цианлаш жараёнини қўллаб олтинни ажратиш ўрганилган.

Цианлаш жараёни ҳажми 0,75 дм<sup>3</sup> ли махсус кимёвий шиша идишда бўтанани механик, пневматик аралаштириш орқали амалга оширилди. 50-200 г маҳсулот идишга жойлаштирилади, устига ҳимояловчи ишқорнинг керакли миқдори солиниб, натрий цианиднинг сувдаги эритмаси қуйилади. Жараёни назорат қилиш бўтананинг суюқ фазасидаги натрий цианид ва ҳимояловчи ишқорнинг концентрациясини аниқлаш орқали амалга оширилган. Цианлашнинг оптимал шароитларини танлаш учун цианли эритма



концентрациясига цианлаш вақти, янчиш даражасининг таъсири каби параметрлар ўрганилди. Цианлашнинг дастлабки хомашё ва охириги маҳсулотларидаги кек-каттиқ қолдиқдаги нодир металлларнинг миқдори атом-абсорбцион спектрометр ёрдамида кимёвий усулда аниқланган.

Оптималь тартибда рудани цианлаш тажрибалар натижасига кўра сульфидли руда намунасида углеродли моддалар ва миснинг эрувчи бирикмаларининг иштироки сабабли, олтин ва кумушнинг сульфидли руда намунасида ажралиш кўрсаткичи 50 % дан ошмаслиги аниқланди ҳамда оксидловчи куйдириш орқали цианлаш, цианли эритма олтин заррачаларининг юзасига етиб бориши ва реакцияга киришиши имкониятларидан фойдаланиб олтинни цианли эритмага 92% гача ўтишига эришилди.

Диссертациянинг «**Олтинли рудаларни қайта ишлашнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида «Ауминзо-Амантой» конлари рудасини қайта ишлаш учун ўхшаш намуна бойитилувчи 5-расмда келтирилган схема тавсия қилинади. Руда гравитация усулида бойитилишидан олдин 0,315 мм (45% кл. -0,074 мм) гача янчилиши керак. Ишлаб чиқариш шароитида олтин ва кумушнинг йирик зарраларини ажратиш учун тегирмоннинг қуюлмасига гравитация аппаратларини ўрнатиш зарур. Чўктириш машинасининг оғир фракцияси концентрацион столда тозаланиши керак. Гравитация чиқиндилари 80-85% ли -0,074 мм гача қайта янчилгандан сўнг флотацияланади. Гравитация ва флотация бойитмаларини 6-расмда келтирилган схема бўйича қайта ишлаш тавсия қилинади. Ушбу схема оксидловчи куйдиришни ва олинган кулни қайта янчиш; намунадан мис, рух, никель ва бошқа қўшимчаларни йўқотиш учун кулни сульфат кислотасида танлаб эритишни ўз ичига олади. Сульфат кислотасида танлаб эритишда олинган кек нейтралланади ва нодир металлларни ажратиб олиш учун сорбцион танлаб эритилади.

Куйида руда (гравитация чиқиндилари) ни флотациялаш схемаси асосий бўғимларининг характеристикаси ва реагент тартиби келтирилган:


- асосий флотациядан олдин гравитация жараёни чиқиндиларини 85% - 0,074мм ли синфгача янчиш;

- асосий флотация: флотация вақти – 10 мин, бўтананинг зичлиги -28% қаттиқ зарралар, реагентлар сарфи (г/т): сода – 1000, урчуқ мойи - 40,  $\text{CuSO}_4$  – 300, БКК-140 (эритмасининг электрохимёвий фаоллаштирилган ҳолда) ва Т-80 – 80, флотациялашда муҳитнинг рН=8-9;

- назорат флотацияси: флотация вақти – 10 мин, бўтананинг зичлиги 22% қаттиқ зарралар, реагентлар сарфи (г/т):  $\text{CuSO}_4$  – 130, БКК – 60, (эритмасининг электрохимёвий фаоллаштирилган ҳолда), Т-80 – 40;

Олинган бойитмалар зарарли қўшимчаларнинг миқдори бўйича қўйилган талабларга жавоб беради.

Ауминзо-Амантой руда майдони рудасини бойитишнинг тавсия қилинадиган схема бўйича олинган натижалар 4-жадвалда келтирилган.




**5-расм. Ауминзо-Амантой руда майдони рудасини бойитишнинг тавсия қилинадиган технологик схемаси**

4-жалвал

Тавсия қилинадиган схема бўйича олинган натижалар

Маҳсулот номи	Чиқиши, %	Микдори, г/т		Ажралиши, %	
		Au	Ag	Au	Ag
Гравиобойитма	6,28	90,55	34,39	80,09	67,5
Флотобойитма	18,37	5,45	3,21	14,11	18,42
Чиқинди	75,35	0,55	0,60	5,8	14,08
Руда	100	7,1	3,20	100	100



**6-расм. Бойитмани оксидловчи куйдириш ва қайта ишлаш технологик схемаси**

Гравиобойитмани оксидловчи куйдириш ва кейин цианлаш схемаси бўйича олтиннинг ажралиши 90,7%, кумушнинг ажралиши эса 65,7% ни ташкил этди. Худди шу кўрсаткичлар флотобойитма учун 91,4 ва 67,5%. Гравиобойитма кулини сульфат кислотада танлаб эритишдан сўнг цианлашда олтиннинг ажралиши 91,8% га, кумушники эса 71% гача ортди. Флотобойитма кулидан олтин ва кумушники 92,4% ва 72,1% тенг. Цианлаш икки босқичда амалга оширилди: 24 соатдан кейин эритма янгисига алмаштирилди ва цианлаш яна 24 соат NaCN нинг 0,15% ли концентрациясида бўтана ҳажмининг 5% микдорида смола иштирокида цианлаш давом эттирилади. Тавсия қилинаётган схема бўйича олтиннинг умумий ажралиши 91,82% ни, кумушники эса 69,47% ни ташкил этди.

## ХУЛОСА

«Қийин бойитилувчи олтинли рудаларни бойитиш ва гидрометаллургик усулларни биргаликда қўллаб қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича ўтказилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Қийин бойитилувчи олтинли рудалар моддий таркибини ўрганиш орқали руда таркибида асосан хол-холли сульфидлардаги минераллар билан ассоцияланган майин олтин мавжудлиги аниқланади.

2. Руда таркибидаги сульфидли заррачаларни дастлаб гравитация усулида ажратиб олиш сўнгра гравитация чиқиндиларини флотация усулида бойитишда олтин ва кумушнинг ажралиши ( $\gamma=24,65\%$  да  $\varepsilon_{Au}=91,8\%$  ва  $\varepsilon_{Ag}=81,3\%$ ) бўйича юқори кўрсаткичлар олинади ҳамда тўпловчи реагент сарфининг қисман қисқаришига эришилади.

3. Йириклаштирилган лаборатория шароитида СД-1 ва БКК реагентларини биргаликда (1:1) тўпловчи сифатида қўллашда олтинни бойитмага ажралиш даражаси 0,73% дан 1,5% гача ошганлиги аниқланади.

4. Флотацион бойитишда тўпловчи флотореагент ББК эритмасини электрокимёвий усулида фаоллаштириб, СД-1 тўпловчи реагент билан биргаликда қўлланилганда олтин сақловчи сульфидли минералларнинг бойитмага ажралиш 2,8% гача ошганлиги аниқланди ва ишлаб чиқаришга жорий этишга мақбул ҳисобланди.

5. Илмий тадқиқот ишлари натижасида олтинли рудаларни бойитишнинг таклиф қилинган схема асосида гравитацион бойитмага сульфидли минералларнинг максимал ўтиши таъминланди, ҳамда олтин ва кумушнинг ажралиш кўрсаткичлари дастлабки рудага нисбатан 80,09 ва 67,5% ни ташкил этиши аниқланди;

6. Оптимал тартибда цианлаш тажрибалари натижаларига кўра гравиобойитмани оксидловчи куйдириш ва кейин цианлаш схемаси бўйича олтиннинг ажралиши 90,7%, кумушнинг ажралиши эса 65,7% ни ҳамда худди шу кўрсаткичлар флотобойитма учун 91,4 ва 67,5%. Гравиобойитма ва флотобойитма куйиндисини сульфат кислотада танлаб эритишдан сўнг цианлашда гравиобойитмадаги олтиннинг ажралиши 91,8% га ва кумушники 71% гача ортди. Тавсия қилинаётган схема бўйича олтиннинг бойитмага умумий ажралиши 91,8-94,2% ни, кумушники эса 81,3-85,92% ни ташкил этган қийматлари аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ ИМЕНИ ИСЛАМА КАРИМОВА**

**МАХМАРЕЖАБОВ ДИЛМУРОД БАХТИЯРОВИЧ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПЕРЕРАБОТКИ УПОРНЫХ  
ЗОЛОТОСОДЕРЖАЩИХ РУД СОВМЕСТНЫМ ПРИМЕНЕНИЕМ  
МЕТОДОВ ОБОГАЩЕНИЯ И ГИДРОМЕТАЛЛУРГИИ**

**04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых**

**АВТОРЕФЕРАТ**  
**диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)**

**Навои – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.2.PhD/T1761.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.ndki.uz](http://www.ndki.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Худояров Сулейман Рашидович</b> кандидат технических наук, доцент
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Мухиддинов Баходир Фахриддинович</b> доктор химических наук, профессор <b>Тошкодирова Рано Эркинжонова</b> доктор философии по техническим наукам (PhD)
<b>Ведущая организация:</b>	<b>АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»</b>


Защита диссертации состоится 12 января 2022 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.01 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: [info@ndki.uz](mailto:info@ndki.uz), [nsmi@gmail.com](mailto:nsmi@gmail.com)).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №81). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.


Автореферат диссертации разослан 30 декабря 2021 года.

(реестр протокола рассылки №3 от 30 декабря 2021 года).



  
**К.С.Санакулов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

  
**О.У.Фузайлов**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, доктор философии  
по техническим наукам (PhD)

  
**Н.А.Донияров**  
Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире одной из ведущих стран по производству драгоценных металлов является Узбекистан. Наряду с ростом добычи и уменьшения запасов богатых и легкообогатимых золотых руд вовлекаются к добыче труднообогатимые золотосодержащие руды. В настоящее время особое значение приобретает увеличение стоимости и снижение качества обогащенной массы, вызванное при обогащении руд в составе которых содержатся сурьма и мышьяк, приобретением используемых при обогащении реагентов из зарубежных стран, структурном неравномерном распределении частиц золота в составе руды, которую получают из запасов при разведке руд, содержащих значительно меньшее количество золота.

В мире проводятся научные исследования по совершенствованию технологических схем обогащения и металлургической переработки золотых руд, обогащению за счет разработки новых малозатратных технологических и технических решений и повышению эффективности металлургической переработки. Несмотря на большие успехи в решении вопросов повышения эффективности переработки труднообогатимых золотых руд, особое внимание уделяется активации реагентов и созданию комплексных технологий, сочетающих в одной технологической схеме поддержку, обогащение и гидрометаллургические методы реагентов, добываемых на местных промышленных предприятиях.

В республике многие научно-практические результаты были достигнуты при разработке схем обогащения с использованием традиционных и новых местных реагентов при обогащении руд существующих месторождений, однако ряд научных и практических результатов достигается разработкой различных методов обогащения и переработкой труднообогатимых золотых руд, за счет внедрения передовых научных мероприятий по внедрению инновационных технологий при переработке труднообогатимых золотосодержащих руд, с помощью традиционных реагентов. В Указе Президента Республики Узбекистан<sup>1</sup> определены важные задачи по «дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленных на опережающее развитие высокотехнологичных отраслей, освоению принципиально новых видов технологий, сокращению энергоемкости и ресурсоемкости, широкому внедрению в производство энергосберегающих технологий...». В связи с этими задачами большое научное и практическое значение имеют исследования, направленные на разработку технологических схем, в которых могут быть применены реагенты, синтезированные из местных промышленных отходов переработки труднообогатимых золотосодержащих руд и исследования, направленные на переработку руд-содержащих драгоценные металлы.

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

